

Жаноза намозида бошни кўтариш



16:05 / 18.02.2020 5682

Савол:

Баъзида жаноза намозига борганимизда жаноза намози ўқиладиганда бош юқорига кўтарилиб, тепага қаралади. Баъзан эса бу ҳол бўлмайди. Савол шуки, жаноза намозида тепага қараш керакми?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Жаноза намози ўқилганида бошни юқорига кўтариб, тепага қаралиши ҳеч қандай китобларимизда зикр қилинмаган, «Бу нарсани қилиш лозим», деб айтилган ҳеч бир кўрсатма йўқ. Шунинг учун жаноза намозида такбир айтгандами, бошқа пайтдами, бошни юқорига кўтариш, тепага қараш маънолари тўғри эмас, у нарсани қилмаслик керак. **Валлоҳу аълам.**

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан